

## ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР ТАҲЛИЛИ

**Атажанов Ўткир Маматсалаевич**

*мустақил тадқиқотчи;*

**Муқимов Хожиакбар Адхамжон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим*

*3-ўқув курси 314-гуруҳ курсанти.*

**Аннотация:** Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар хавфсизлигини таъминлаш тизимидаги проактив (олдини олувчи) механизмларнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этади. Таҳлил Жаҳон банкининг «Аёллар, бизнес ва қонун» (WBL) Индексидаги «Хавфсизлик» (Safety) индикатори талаблари ва миллий қонунчиликдаги сўнгги ислоҳотлар (ЎРҚ-829-сон Қонуни, ПҚ-175-сон қарори) ўзаро мувофиқлигига қаратилган. Профилактика инспекторларининг Ҳимоя ордерини беришдаги ташаббускорлик ролини кучайтириш, зўравонликнинг турлари (жинсий, руҳий, иқтисодий) учун белгиланган жавобгарликларнинг мазмуни ва бу чораларнинг WBL кўрсаткичига таъсири илмий асосланган. Тадқиқот натижаларига кўра, ҳуқуқий нормаларнинг тўлиқ ва амалий ижросини таъминлаш юзасидан таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** *проактив механизмлар, WBL индекси, хавфсизлик, тазйиқ ва зўравонлик, ҳимоя ордери, жинсий шилқимлик, профилактика инспектори.*

## ANALYSIS OF LEGAL MECHANISMS FOR PREVENTING PRESSURE AND VIOLENCE AGAINST WOMEN AND THE REQUIREMENTS OF THE WORLD BANK'S WBL INDEX

**Annotation:** *This article investigates the legal basis of proactive (preventive) mechanisms within the system for ensuring the safety of women in the Republic of Uzbekistan. The analysis focuses on the correlation between the requirements of the "Safety" indicator in the World Bank's "Women, Business and the Law" (WBL) Index and the latest reforms in national legislation. The research scientifically substantiates the strengthening of the proactive role of prevention inspectors in issuing Protection Orders, the substance of the liabilities established for different types of violence (sexual, psychological, economic), and the impact of these measures on the WBL indicator. Based on the research findings, proposals have been put forward to ensure the full and practical implementation of legal norms.*

**Keywords:** *proactive mechanisms, WBL index, safety, pressure and violence, protection order, sexual harassment, prevention inspector.*

## КИРИШ

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш ва жамият ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш бугунги Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараённинг асосий шартларидан бири уларнинг тазйиқ ва зўравонликдан ҳимояланганлиги кафолатидир. Жаҳон банкининг «Аёллар, бизнес ва қонун» (WBL) Индексининг 2024 йилги янгиланган методологиясига киритилган «Хавфсизлик» (Safety) индикатори айнан шу муаммога қаратилган бўлиб, у зўравонликдан ҳуқуқий ҳимоянинг мавжудлиги аёлларнинг меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши учун фундаментал шарт эканлигини тасдиқлайди.

Жаҳон банкининг «Аёллар, бизнес ва қонун» Индекси сўнги 15 йилдан ортиқ давр мобайнида 190 та иқтисодиётда аёлларнинг иқтисодий имкониятлари учун ҳуқуқий муҳитни ўлчашда асосий методологик восита сифатида хизмат қилиб келмоқда. 2024 йилгача саккизта индикатор бўйича қонуннинг ўттиз беш жиҳатини баҳолашга қаратилган эди.

2024 йилдан бошлаб WBL ўлчов тизими жиддий эволюцияга учраб, янги WBL 2.0 методологиясига ўтди. Бу янги модел WBL баҳосини учта асосий устун бўйича аниқлайди: ҳуқуқий базалар, қўллаб-қувватловчи базалар (сиёсат ва институционал механизмлар) ва ижро этилиши ҳақидаги тасаввурлар (экспертлар фикри). Бундай ёндашув индекснинг нафақат қонуннинг де журе мавжудлигини, балки унинг де факто (амалда) қанчалик самарали жорий этилаётганини ҳам баҳолаш имконини беради. Мазкур методологик ўзгаришлар “Хавфсизлик” индикатори бўйича Ўзбекистондаги ислохотларнинг нафақат қонун даражасида, балки амалий натижалар бўйича ҳам синчковлик билан баҳоланишини тақозо этади.

WBL 2.0 методологиясига “Хавфсизлик” индикаторининг киритилиши, аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда зўравонликдан ҳимоя қилишнинг фундаментал аҳамиятга эга эканлигини халқаро миқёсда расман тан олишни англатади. Аёлларга нисбатан зўравонлик (жисмоний ва руҳий саломатликка таъсири орқали) уларнинг меҳнат бозорига кириш ва унда қолиш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу индикатор аёлларнинг эркин ҳаракатланиши, мулкка эга бўлиши ва тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилувчи гендерга асосланган зўравонликка қарши кураш чораларини баҳолайди.

“Хавфсизлик” индикатори аёлларга нисбатан зўравонликнинг кенг тарқалган тўрт тури: болалар никоҳи, жинсий шилқимлик, уй-рўзғор зўравонлиги ва фемицидга қарши қаратилган бўлиб, улар қуйидагича ўлчанади:

1. Болалар никоҳи: Тадқиқот никоҳ ёшини ота-она розилигисиз 18 ёш этиб белгилаш, болалар никоҳини бекор қилиш имконияти ва жазо чораларини ўлчайди. Қўллаб-қувватловчи базалар болалар никоҳи бўйича ҳаракат режалари ёки сиёсатларнинг мавжудлигини ўлчайди;

2. **Жинсий шилқимлик:** Бу нафақат иш жойида, балки жамоат жойларида, таълим муассасаларида ва кибермаконда ҳам учрайдиган муаммодир. Индикатор иш жойида шилқимлик бўйича йўриқномалар, жамоат жойларида ҳаракат режалари ва шилқимликнинг барча шакллари учун махсус чора-тадбирлар мавжудлигини ўрганади;

3. **Уй-рўзғор зўравонлиги:** Индикатор аёлларни уй-рўзғор зўравонлигининг жисмоний, жинсий, руҳий ва иқтисодий шаклларида (шу жумладан никоҳдаги зўрлашдан) ҳимоя қилувчи қонунлар ва хизматларнинг мавжудлигини ўлчайди;

4. **Фемицид:** Индикатор аёлларнинг жинсга оид мотивлар билан қасддан ўлдирилишига қарши қаратилган қонунлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун ўқув машғулотларини баҳолайди. Ушбу тўрт йўналишдаги ҳуқуқий ва қўллаб-қувватловчи базаларнинг етарли эмаслиги ёки мавжуд эмаслиги каби бўшлиқлар тадқиқот натижасида ошкор этилиб, бу соҳалардаги миллий қонунчиликни чуқурлаштиришни талаб қилади. Айни пайтда, WBL Индексидаги ўринни яхшилаш мақсадида Ўзбекистонда қатор стратегик ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (ЎРҚ-561-сон) билан белгиланган асослар, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-829-сонли Қонуни билан Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик кодексларига киритилган ўзгартиришлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-175-сон қарори билан жорий этилган проактив механизмлар мазкур тизимнинг асосий ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади.

WBL Индексининг «Хавфсизлик» индикатори айёлларга нисбатан зўравонликнинг тўртта кенг тарқалган тури: болалар никоҳи, уй-рўзғор зўравонлиги, жинсий шилқимлик ва фемицидга қарши қаратилган ҳуқуқий ва институционал чораларни баҳолайди. Бу индикаторлар хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларига тўсиқ бўлувчи асосий хавф-хатарларни бартараф этиш учун ҳуқуқий базанинг *de jure* (қонуний) мавжудлигини талаб қилади.

«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (ЎРҚ-561-сон Қонуннинг 3-моддаси) WBL талабларига мос равишда зўравонликнинг кенг қамровли таснифини белгилаган:

• **Жисмоний зўравонлик:** Турли даражадаги тан жароҳатлари етказиш, ҳаётга таҳдид солиш.

• **Руҳий зўравонлик:** Ҳақоратлаш, тўхмат қилиш, таҳдид қилиш, шаъни ва қадр-қимматини камситиш.

• **Иқтисодий зўравонлик:** Озиқ-овқат, уй-жой, таълим ёки меҳнат ҳуқуқини амалга оширишни чеклаш.

• **Жинсий зўравонлик:** Шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни шахснинг розилигисиз содир этиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-829-сонли Қонуни (2023 йил апрель ислоҳотлари) «Хавфсизлик» индикатори бўйича ҳуқуқий асосни кескин кучайтирди:

1. Уй-рўзғор зўравонлиги учун аниқ жавобгарлик: Жиноят кодексига 126<sup>1</sup>-модда (Оилавий (маиший) зўравонлик) киритилиши ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 59<sup>2</sup>-модда (Оилавий (маиший) зўравонлик) киритилиши билан зўравонликнинг барча шакллари (жисмоний, руҳий, иқтисодий) учун аниқ маъмурий ва жиноий жазолар белгиланди. Бу WBL Индексининг уй-рўзғор зўравонлигига қарши кураш талабини тўлиқ қамраб олади.

2. Жинсий шилқимлик учун жавобгарлик: МЖТКга 41<sup>1</sup>-модда (Шаҳвоний шилқимлик қилиш) киритилиши иш жойидаги ва жамоат жойларидаги тазйиқ ва зўравонлик учун жарима ёки маъмурий қамоқ жазосини белгилади. Бу чора WBL Индексининг жинсий шилқимликдан ҳимоя қилиш талабига жавоб беради.

Хотин-қизлар хавфсизлигини таъминлаш учун ҳуқуқий базанинг *de jure* мавжудлиги етарли эмас, балки унинг *de facto* (амалда) проактив тарзда қўлланилиши муҳим. Бунда ИИО профилактика инспекторларининг ролини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-175-сон қарори кескин оширди.

ИИОнинг фаолиятидаги энг муҳим проактив ўзгариш ҳимоя ордерини ташаббус тартибида бериш тизимидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-175-сон қарорининг 4-г бандига асосан, бир календарь йил давомида икки ва ундан ортиқ марта тазйиқ ва зўравонлик ҳолати бўйича мурожаат қилинганда, профилактика инспектори ёки хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор ўз ташаббуси билан ҳимоя ордерини бериши шарт этиб белгиланди. Бу чора жабрланувчининг қўрқув ёки ижтимоий босим сабабли такроран ҳимоя ордери сўрашга журъат эта олмаслиги ҳолатларида давлат ҳимоясини кафолатлайди. Бу, инспекторнинг пасив кузатувчидан фаол ҳимоячига айланишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-175-сон қарори (2-б, 2-в бандлари) профилактика инспекторларининг тезкор чоралар кўриш мажбуриятини кучайтирди:

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолати «102» орқали аниқлангач, 24 соат ичида маҳалладаги профилактика инспектори томонидан ҳимоя ордери расмийлаштирилиши шарт. Ордер расмийлаштирилиши билан бирга, зўравонлик

содир этган шахс билан хотин-қизлар фаоли иштирокида суҳбат ўтказилиши ва маълумотларнинг «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» (ЯМИХ) ахборот тизими орқали «Инсон» марказларига реал вақт режимда юборилиши белгиланган.

Бу механизм Ҳимоя ордерини бериш жараёнини бюрократиядан холи қилиб, вазиятни зудлик билан локализация қилишга ва жабрланувчига комплекс ижтимоий-психологик ёрдамни тезкорлик билан йўналтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ислоҳотлари Жаҳон банкининг WBL Индекси «Хавфсизлик» индикатори талабларига стратегик жиҳатдан мос келади. Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик кодексларига киритилган ўзгартиришлар уй-рўзғор зўравонлиги ва жинсий шилқимлик каби WBL баҳолайдиган асосий йўналишлар бўйича de jure ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-175-сон қарори билан жорий этилган ҳимоя ордери ва 24 соатлик мажбурий тезкор чоралар ИИО профилактика инспекторлари фаолиятини реактив-маъмурий усулдан олдини олувчи, ташаббускор моделга ўтказмоқда. Бироқ, WBL Индексида юқори КРІларга эришиш нафақат қонунларнинг мавжудлигини, балки уларнинг de facto (амалда) самарали қўлланилишини ҳам талаб қилади. Шу сабабли, профилактика инспекторларининг проактив механизмлардан фойдаланиш кўникмасини ошириш, «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» тизими орқали тезкор идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва зўравонлик ҳолатларининг ҳисобини WBL талабларига мос равишда юритиш мазкур тизимни такомиллаштиришнинг асосий чоралари ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

**19.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон) <https://lex.uz/docs/6445145> (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

**20.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й)

**21.** 2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. (Мурожаат вақти: 08.10.2025й).

**22.** Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТЕРРОРИЗМ ВА ЭКСТРЕМИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 134-140.

- 23.** Атажанов, Ў. М. (2025). МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ОСТИДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ. Научный Фокус, 3(30), 127-133.
- 24.** Атажанов Ў. М. и др. МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 119-126.
- 25.** Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Ҳамидалиев Асадбек Жасур. "БОЗОРЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 152-162.
- 26.** Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 184-190.
- 27.** Атажанов Ў. М. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ БОЗОР ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 163-171.
- 28.** Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ КРИМИНОЛОГИК САБАБЛАРИ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИК ТАЪСИР ЙЎНАЛИШЛАРИ." Научный Фокус 3.30 (2025): 191-197.
- 29.** Атажанов Ў. М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР //World scientific research journal. – 2023. – Т. 12. – №. 2. – С. 81-89.
- 30.** Атажанов Ў. Шаҳар ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика инспектори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 24-30.
- 31.** Майор А. Ў. М. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 117-121.
- 32.** Атажанов, У. М. (2025). ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВЗАИМОСВЯЗИ ЦИФРОВОЙ КРИМИНАЛИСТИКИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ ПО ОРГАНИЗАЦИИ И КООРДИНАЦИИ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 8(5), 127-135.
- 33.** Адхамов, Зафар Акбарович. "ШАХСЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИК ХУЛҚ-АТВОРИНИ ЎЗГАРТИРИШ БЎЙИЧА ТУЗАТИШ ДАСТУРИДАН ЎТКАЗИШДА ДИНИЙ УЛАМОЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТЛАРИ." THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY 2.20 (2024): 114-117.

**34.** Адхамов, З. А. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(2-2), 165-172.

**35.** Мустофақулов Б. А. Ў., Шодмонов Д. Э. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ПАТРУЛ-ПОСТ ХИЗМАТИ ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 47-51.